



ҚАРОРИ

ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 131

« 26 » февраль 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 февралдаги «Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик
лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари
томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги
низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 135-сонли қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолотлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ҳамда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги «Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 135-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) вазирликлар ва идоралар узлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар узлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жумановга юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

 **Қ.Сариев**